ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
АХБОРОТНОМАСИ
4-сон

ВЕСТНИК
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
№4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

4-сон

ВЕСТНИК МИНИСТЕРСТВА ВЫСЩЕГО И СРЕДНОГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 4

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
1617/5

Тошкент – 2016

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 1836, 2008 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 287-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Ж. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 август,
19-1-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири А. ВАХАБОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 август,
4-2016-сон

Халқ таълими вазири У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 август,
10-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 19-1, 4-2016 ва 10-мҳ-сон қарорига ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидан «ва технологиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Йўриқномада:

а) номи ва 2-бобнинг номидан «ва технологиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини (бундан кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) аттестациядан ўтказиш мезонларини белгилайди.»;

в) 1-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси ҳудудий аттестация комиссиялари томонидан, бошқа таълим муассасалари аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейинги ўринларда ДТМ деб юритилади) томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.»;

г) 2-банддан «ушбу Йўриқномада белгиланган технологиялар асосида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 8-бандда:

«б» кичик бандда:

учинчи – бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссиянинг қарорига биноан назорат иши олинадиган синфлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланади (синфлар сони тўлиқ келтирилади ва таълим муассасаси раҳбари иштирокида ўтказилади). 4 ва 9-синфлардан параллел синфларнинг камида ярми, қолган синфлардан Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан биттаси танланади (1-синф ўқувчилари назорат ишларида қатнашмайди). Таълим бир нечта тилда олиб бориладиган таълим муассасаларида 4 ва 9-синфларда таълим тилига қараб, уларнинг ҳар биридан биттадан синф танланади. Назорат ишларида ўқувчиларнинг 100 фоизи қатнашиши таъминланиши зарур. Назорат ишларида узрсиз сабабга кўра қатнашмаган ўқувчиларга «қониқарсиз» баҳо қўйилади ва унинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида сабабли асосга кўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари билим даражаси 2-синфда: она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 25 - 30 та сўз, ўқув йилининг охирида 30 - 40 та сўз), математикадан ёзма (3 та мисол);

3-синфда она тилидан ёзма (диктант-ўқув йили биринчи ярмида 45 - 55 та сўз, ўқув йилининг охирида 50 - 60 та сўз), таълим рус ёки бошқа тилда олиб бориладиган синфлар учун ўзбек тилидан ёзма (диктант — 12 - 16 та сўз), таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун рус тилидан ёзма (диктант — 40 - 45 та сўз);»;

олтинчи хатбоши «3 та мисол» деган сўзлардан кейин «ва 2 та масала» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-синфда ботаникадан 20 та тест саволи, хорижий тилдан 20 та тест саволи, ўзбек тилидан (таълим рус ёки бошқа тилда олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант — 25 - 30 та сўз), рус тилидан (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант — 60 - 65 та сўз);»;

«з» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим муассасалари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг сифатига оид амалий ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 7 июндаги 109-сонли «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига кўра ўрганилади;»;

ж) 10-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошисидан «ўқувчилар қабулининг ташкил этилиши ва ўтказилиши,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «II-курс ўқувчиларидан умумтаълим, III-курс» деган сўзлар «2-курс ўқувчиларидан умумтаълим, 3-курс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Назорат ишларига ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислик)дан 2-курс гуруҳларидан 1 та гуруҳ, 3-курс гуруҳларининг камида ярми жалб этилади.»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумтаълим фанларидан назорат ишлари она тили ва адабиёти, хорижий тил, математика, тарих, физика, биология, кимё, информатика фанлари орасидан йўналиш (мутахассислик)нинг хусусиятига қараб танланади. Умумтаълим фанларидан назорат ишлари академик лицейларда камида 3 та фандан, касб-ҳунар коллежларида камида 2 та фандан ўтказилади.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академик лицейда таълим йўналиши бўйича 3 та асосий чуқурлаштирилган фанлардан назорат ишлари ўтказилади. Касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси 1 та мутахассислик фанидан назорат иши ва охирги ўқув йилида ўтказилган касбий амалий имтиҳон натижалари бўйича чиқарилади.

Тест саволлари касб-ҳунар коллежлари 2-курс ўқувчилари учун 2 та умумтаълим фанидан 18 тадан (академик лицей ўқувчилари учун 3 та фандан 12 тадан), жами 36 та, 3-курс ўқувчилари учун 3 та умумкасбий ва махсус (чуқурлаштирилган) фанлардан 12 тадан, жами 36 та саволни ташкил этади. Тест саволларини ечиш учун бир астрономик соат, белгиланган жавобларни жавоблар варақасига кўчириш учун қўшимча 10 дақиқа вақт берилади.»;

з) 11-бандниng «д» кичик бандидан «бўйича таълим муассасаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

и) 12-банднинг «и» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«и) катта илмий ходим-изланувчилар институти орқали ҳамда мустақил изланувчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти бўйича:

олий таълим муассасасининг катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик орқали олий малакали (фан докторлари) кадрлар тайёрлаш фаолияти таҳлил этилади. Катта илмий ходим-изланувчилар институтини тугатиб, ўз муддатида ҳимоя қилганлар сони, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар, мутахассисликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликнинг мавжудлиги, уларнинг ихтисослиги йўналиши олий ўқув юртидан кейинги, таълим ихтисослиги мансуб бўлган фан соҳасига мувофиқлиги ўрганилади;

катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти олий таълим муассасасининг умумий кўрсаткичи сифатида баҳоланади;»;

к) қуйидаги мазмундаги 4^1-параграф билан тўлдирилсин.

«4^1-§. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини баҳолаш

12^1. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) давлат талабларининг таълим жараёнига жорий этилиши бўйича:

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши ўрганилади;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шакллари ва муддатлари, уларга қабул қилиш талабларининг бажарилиши ўрганилади;

катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга кирувчи талабгорларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши ўрганилади;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишни ташкил этиш ҳолати таҳлил қилинади;

б) докторлик диссертацияси мавзулари ва бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларнинг республика илмий-техник ҳамда технологик ривожланиш ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мослиги бўйича:

белгиланган муддатларда давлат илмий-техник дастурлари доирасида докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мавзулари ишлаб чиқилганлиги, мавзулар олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида уларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилганлиги;

тавсия этиладиган докторлик диссертациялари мавзулари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўзлари тизимига кирадиган вазирликлар, идоралар ёки ташкилотлар билан келишилганлиги;

катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзуларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

тасдиқланган докторлик диссертацияси мавзулари «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) ўз муддатида тақдим этилганлиги;

в) илмий маслаҳатчилар таркибининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий-ташкилий фаолияти натижалари бўйича:

илмий маслаҳатчиларнинг фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган фан докторлари таркибидан танлаб олинганлиги;

илмий маслаҳатчилар тавсия этган докторлик диссертацияси мавзуларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

илмий маслаҳатчилар бир вақтнинг ўзида нечта катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилаётганлиги;

илмий маслаҳатчи катта илмий ходим-изланувчи билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режасини ишлаб чиққанлиги ва унинг белгиланган муддатда олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

илмий маслаҳатчи танланган мутахассислик бўйича назарий-методологик курснинг ўқув режасини ишлаб чиққанлиги ва унинг белгиланган муддатда олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчи томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий маслаҳатчининг ёрдамида ўзлаштирилганлиги;

илмий маслаҳатчи раҳбарлигида ўз вақтида ҳимоя қилган катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар сони ўрганилади;

г) кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг устувор йўналишларга мослиги бўйича:

кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг мавжудлиги;

истиқбол режанинг давлат илмий-техник дастурларига мувофиқлиги ўрганилади;

д) таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг ОАК эътироф этган журналларда, шунингдек хорижий нашрларда илмий мақолаларни чоп этиш фаолияти бўйича:

таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрганилади;

таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимлар томонидан ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда илмий мақолаларнинг нашр этиш фаолияти таҳлил қилинади;

е) илмий-экспериментал, моддий-техник базанинг ҳолати бўйича:

илмий-экспериментал лабораториялар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланилиши ҳолати;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ахборот ресурс марказларида тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларнинг мавжудлиги;

илмий-тадқиқотларни олиб бориш учун асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот-коммуникация воситалари, компьютер техникаси, оргтехника ва бошқа зарур воситаларнинг етарли даражада мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил қилинади;

ж) катта илмий ходим-изланувчиларга ижтимоий, илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар бўйича:

катта илмий ходим-изланувчилар учун илмий ишларини бажариши учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилади.

Бунда:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг турар жойлар билан таъминланганлик ҳолати;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасида катта илмий ходим-изланувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

катта илмий ходим-изланувчилар учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ахборот ресурс марказидан, замонавий компьютерлардан ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича, шунингдек бошқа зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги ўрганилади;

з) катта илмий ходим-изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши, ҳисоботларининг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқикот муассасаларининг илмий (илмий-техникавий) кенгашлари, тегишли бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги бўйича:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши;

ҳисоботларнинг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаларининг илмий (илмий-техникавий) кенгашлари, тегишли кафедра, бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги йиллар кесимида ўрганилади.

Бунда:

катта илмий ходим-изланувчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ҳимоя қилинаётган докторлик диссертациясининг асосий натижалари акс этганлиги ҳамда илмий натижалар халқаро ва республика доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларда, семинарларда, давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилганлиги;

катта илмий ходим-изланувчи томонидан илмий ишларнинг ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинганлиги;

катта илмий ходим-изланувчилар томонидан эълон қилинган илмий ишлар сонининг диссертация бўйича эълон қилиниши лозим бўлган илмий ишларнинг умумий сонига қўйилган талабларга мувофиқлиги;

ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилинганлиги ўрганилади;

и) катта илмий ходим-изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингининг олиб борилиши ҳолати бўйича:

катта илмий ходим-изланувчиларнинг олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасидаги фаолияти самарадорлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижаси таҳлил қилинади;

к) олий ўқув юртидан кейинги таълимни битирган катта илмий ходим-изланувчиларнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш ҳолати бўйича:

сўнгги 3 йилда катта илмий ходим-изланувчилар институтини битирганлар ва улардан докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар ҳамда илмий кенгашга ҳимояга тақдим этганлар сони ихтисосликлар бўйича аниқланади;

л) докторлик диссертациялари доирасида олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этиш ҳолати ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги бўйича:

диссертация натижаларининг фанга, амалиётга татбиқ этилганлиги ёки ташкилотлар томонидан жорий қилиш учун қабул қилинганлиги юзасидан асосли ҳужжатлар мавжудлиги, ушбу ҳужжатлар ташкилотларнинг илмий-техникавий кенгашлари томонидан кўриб чиқилганлиги, маъқулланганлиги ва унинг раҳбарияти томонидан тасдиқланганлиги;

ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммоларнинг ҳал қилинганлиги;

тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилганлиги;

илмий-тадқиқот ишлари натижалари фан ва техникани ривожлантиришга ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда ўз ифодасини топганлиги.»;

л) 13-бандда:

биринчи хатбошидан «(500 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«а» кичик бандда:

биринчи хатбошидан «(100 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «фанларнинг намунавий ва ишчи ўқув режалари билан» деган сўзлар «фанларнинг намунавий ва ишчи дастурлари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандининг биринчи хатбошисидан «(200 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» ва «г» кичик бандларнинг биринчи хатбошисидан «(100 баллгача)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, Ўзбекистон Бадиий академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ
2016 йил 2 август
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш. ТЕШАЕВ
2016 йил 4 август
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У. САЛИМОВ
2016 йил 18 июль
Маданият ва спорт ишлари вазири Б. АХМЕДОВ
2016 йил 8 август
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А. РАМАТОВ
2016 йил 10 август
Ташқи ишлар вазири А. КАМИЛОВ
2016 йил 15 август
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х. МИРЗАХИДОВ
2016 йил 12 август
Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ
2016 йил 25 июль
«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК бош директори в.в.б. Н. СНИТКА
2016 йил 27 июль
Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. НУРИДИНОВ
2016 йил 20 июль
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси А. ЮСУПОВ
2016 йил 22 июль
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О. ПАРПИЕВ
2016 йил 29 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 451-модда)

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, юқори малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар:

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс мақомига эга бўлган, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
1617/5 174/15

ихтисослашган, олий таълимдан кейинги таълим муассасаси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ходимларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз ошириб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бевосита шаклларини амалиётга жорий этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлигини таъминлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

5. Белгилансинки, Марказ фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

Марказ томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан халқаро грантлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича республика олий таълим муассасалари ходимларининг тегишли тоифаларига тенглаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

икки ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда атроф муҳитни

муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат талабларини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

уч ой муддатда — белгиланган тартибда Марказ уставини тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Тошкент сув таъминоти, канализация, гидротехника иншоотлари ва муҳандис гидрогеологияси илмий-тадқиқот институтига оператив бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7-уйда жойлашган бинодан текин фойдаланиш ҳуқуқи билан Марказга жой ва хоналар ажратсин;

Марказга ажратилган жой ва хоналарнинг реконструкция қилинишини ҳамда зарур ўқув-лаборатория ва компьютер техникаси, мебеллар ва бошқа инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин;

Марказнинг ташкилий ва бошқарув фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2016 йил 22 сентябрь, 321-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
22 сентябрдаги 321-сон қарорига
1-ИЛОВА

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини (кейинги ўринларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида давлат, идоравий, ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш ваколати берилган, шунингдек экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) ўз касбий даражаси ва малакасини оширадилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ходимларнинг касбий ва малака даражасини мунтазам ошириш асосида қонунчилик нормалари, назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий ва инновация технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш услубларини янгилаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қайта тайёрлаш — ходимларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритиши учун зарур ва етарли бўлган ҳажмдаги касбий билимлар, кўникмалар ва тажрибаларни ўзлаштиришига кўмаклашувчи таълим тури.

малака ошириш — ходимларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги касбий билимлари, кўникмалари ва тажрибаларини ошириш бўйича таълим тури.

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари — ходимларга давлат таълим талабларига мувофиқ таълим беришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли бўлиб, улар ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ ташкил этилади;

тингловчи — қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олиш учун жалб этилган ва белгиланган тартибда тингловчилар сафига қабул қилинган ходимлар;

буюртмачи — давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар.

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) ҳузуридаги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) амалга оширилади.

5. Ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш буюртмачининг буюртманомасига биноан, ўзаро шартнома асосида, мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ходимлар, улар фаолият юритаётган ташкилотнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, Марказда даврий равишда малака ошириш курсларидан ўтадилар.

6. Давлат экологик назоратини амалга ошириш ваколати берилган давлат органларининг ҳузурида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилган бўлса, уларнинг ходимлари ушбу таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олиши мумкин.

7. Қайта тайёрлаш курсларидан:

Қўмита бўйича — захирада бўлган ва биринчи марта Қўмита катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари, Қўмита таркибидаги инспекцияларнинг катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари лавозимларига, шунингдек Қўмита тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи лавозимларга биринчи марта тавсия этилган шахслар;

давлат экологик назоратини амалга ошириш ваколати берилган давлат органлари бўйича — қонун ҳужжатларига биноан давлат экологик назоратини амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахс лавозимига захирада бўлган ва биринчи марта мазкур лавозимга, биринчи марта ишга қабул қилинган шахслар ўтади.

8. Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширувчи шахслар ва мазкур Низомда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан мажбурий равишда ўтиши назарда тутилмаган

бошқа шахслар Марказда ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида шартнома асосида, ихтиёрий равишда таълим олишлари мумкин.

2-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мақсади ва вазифалари

9. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини юқори даражада таъминлаш, тингловчиларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини мунтазам равишда ошириб бориш қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мақсади ҳисобланади.

10. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тингловчиларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз ошириб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бевосита шаклларини амалиётга жорий этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлигини таъминлаш, тингловчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

3-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби

11. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, тингловчиларни сифатли ўқитиш учун Марказнинг моддий-техника базасини, ўқув курсларининг фаолиятини ушбу Низомда белгиланган тартибда молиялаштириш асосида ташкил этилади.

Тингловчилар Марказ ва буюртмачилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, тўлов асосида ўқитилади.

Қўмита ходимлари Марказда ташкил этиладиган малака ошириш курсларида текин, қайта тайёрлаш курсларида эса тўлов эвазига ўқитилади.

12. Марказ тақдим этилган буюртманомалар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олиш учун белгиланган йўналишлар бўйича тингловчилар контингентини шакллантиради ҳамда тасдиқланган ўқиш жадвалини буюртмачиларга етказади.

Буюртмачилар Марказ томонидан юборилган ўқиш жадвалини қабул қилганларидан сўнг ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда Марказга қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборади.

Буюртмачилар ходимни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборишдан аввал Марказ билан тузилган шартномага асосан таълим олиш учун белгиланган тўлов суммасини тўлаши шарт.

13. Тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш Марказ томонидан Қўмита билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

14. Тингловчилар ўқув курсларини якунлаганларидан сўнг Марказда ташкил этилган аттестация синовларидан ўтадилар.

Аттестация синовлари ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартиб асосида, Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

Аттестация комиссияси таркибига Қўмита марказий аппаратининг раҳбар ходимлари, шунингдек келишувга кўра, экологик назоратни амалга ошириш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилади.

15. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш бошлангандан сўнг беш кун мобайнида Марказга етиб келма-

ган тингловчилар, сабабларидан қатъи назар, курсларга қўйилмайди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига узрли сабабларга кўра етиб кела олмаган ходимлар, кейин ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтадилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига узрли сабабларсиз келмаган ходимлар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтмаган ҳисобланади, уларга ушбу Низомда белгиланган диплом ва сертификатлар берилмайди ҳамда буюртмачилар томонидан тўланган тўлов суммалари қайтарилмайди.

16. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олаётган тингловчиларнинг доимий иш жойидаги лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади.

4-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкилотчиларининг вазифалари ва функциялари

17. Қуйидагилар қўмитанинг вазифалари ҳисобланади:

Марказнинг ташкилий ва бошқарув фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва услубларини белгилаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таҳсил олиши керак бўлган тингловчилар контингентини шакллантириш;

ўқув режалари ва дастурларини ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш учун тўлов миқдорини тасдиқлаш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишни такомиллаштириш механизми ва усулларини белгилаш;

Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш.

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва уларни бошқариш;

табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари;

атроф муҳит мониторинги;

экологик экспертиза;

экологик сертификатлаш;

экологик аудит;

атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш, атроф муҳит ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва прогноз қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлашга киритиш ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, уларни амалиётда қўллаш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган жавобгарлик ва бошқа йўналишлар.

Ўқув режалари ва дастурлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар асосида ҳар йили такомиллаштириб борилади.

23. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулотлар, сайёр машғулотлар, тажриба алмашиш, мустақил ўқиш, малака амалиёти, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш каби асосий турлари қўлланилади.

24. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил қилади.

25. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни тингловчилар сони, қоидага кўра, камида 20 нафардан кам бўлмаган ҳолда, Марказ томонидан ташкил қилинадиган гуруҳларда ташкил этилади.

26. Ходимларнинг малака амалиёти давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилади.

27. Айрим ўқув машғулотлари илғор таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар негизида ташкил этилиши мумкин.

28. Тингловчиларнинг ўзлаштириши қуйидаги баҳолаш тизими асосида амалга оширилади:

жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари;

малака амалиёти якунлари;

лойиҳа ишини ҳимоя қилиш натижалари.

Ушбу баҳолаш натижалари ходимларнинг якуний аттестация синовларини топшириш жараёнида баҳолаш мезонлари сифатида инобатга олинади.

29. Ходимлар қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

сабабсиз 24 соат дарс қолдирганда;

буюртмачилар томонидан шартнома тўловлари амалга оширилмаганда;

саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);

вафот этган тақдирда.

30. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлари, шунингдек хорижий мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

31. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагоглар таркибининг ўқув юкламаси ҳажми ўқув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича, улар амалда бажарадиган ўқув ишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

32. Ходимларни қайта тайёрлаш уларнинг фаолияти давомида асосий ишдан ажралган ҳолда, бевосита Марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

33. Қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати ўн ҳафта (360 соат)дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига — 36 соатни, шундан аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми — ҳафтасига 24 соатни ташкил этади.

34. Қайта тайёрлаш бўйича Марказда ўқитиш буюртмачининг якка тартибдаги буюртманомаси асосида, давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар доирасида амалга оширилади.

35. Тингловчилар қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли бажариб, курсни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг якуний аттестация синовларига қўйилади.

36. Ходимларнинг малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта, асосий ишдан ажралган ҳолда, бевосита Марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

37. Марказда малака ошириш курсларининг давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатни ташкил этади.

Бунда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада — 36 соатни, аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада — 24 соатни ташкил қилади.

38. Малака ошириш бўйича Марказда ўқитиш буюртмачининг якка тартибдаги буюртманомаси асосида, давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар доирасида амалга оширилади.

39. Тингловчилар жорий, оралиқ ва якуний назорат топши-

риқларини муваффақиятли бажариб, курсни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг якуний аттестация синовларига қўйилади.

40. Малака ошириш курсини тўлиқ ўзлаштириб бўлган ходимлар якуний аттестация синовларига қўйилади.

6-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш

41. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари аттестация комиссияси томонидан аттестация синовлари, уларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорати, малака амалиёти, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш натижаларини инобатга олган ҳолда суҳбат шаклида ўтказилади.

42. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув лойиҳа ишини ҳимоя қилиш аттестация комиссиясида амалга оширилади.

43. Аттестация комиссияси ўз қарорини тингловчиларни суҳбатдан ўтказиш натижалари асосида, шунингдек касбий фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

44. Аттестация комиссиясининг қарори Марказ томонидан тингловчиларга, ушбу Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ диплом ва сертификат беришга асос бўлади.

45. Аттестация синовларидан ўта олмаган ходимлар бир йил мобайнида шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида такроран ўқиши ва аттестация синовларини топшириши шарт.

46. Ходимлар аттестация синовларидан такроран ўта олмаган тақдирда Марказ томонидан ушбу ходимларнинг иш берувчи ташкилотларига хабарнома юборилади.

Хабарномада ходимнинг қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларидан ўтиши натижаси, аттестация синовларидан ўта олмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

7-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларини молиялаштириш

47. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

Марказ томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан халқаро грантлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

48. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

49. Ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга иккинчи олий ёки ўрта махсус, касбий маълумот олиш деб қаралмайди.

50. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш СХЕМАСИ



Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият
кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Малака ошириш тўғрисида намунавий
СЕРТИФИКАТ
(тавсифи)

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда, офсет усулида, беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босмахонада тайёрланади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида мухр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашади.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат иккита лотин ҳарфи — MO ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда бўлади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтита ҳимояга эга.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT MO
№ 000000

_____

(xodimning familiyasi, ismi, otasining ismi)

20___ yil _____dan 20___ yil _____gacha

_____

(Malaka oshirish ta‘lim muassasasining nomi)

jami_____soatlik

_____

(Malaka oshirish kursining nomi)

bo‘yicha malakasini oshirdi.

Muhr o‘rni

Direktor _____

Sana _____ Qayd raqami

_____

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 сентябрдаги 321-сон қарорига
2-ИЛОВА

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказининг
ТУЗИЛМАСИ



** Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун белгиланган меъёрларда белгиланади*

Штат бирликларининг умумий сони (техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибидан ташқари) 17 нафар, шундан жумладан бошқарув ходимлари – 5 нафар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 508-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2834]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги қарор қилади:

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2016 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 12 октябрдаги 6-2015, 24-мҳ ва 42-к/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2719, 2015 йил 15 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 533-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. КАСИМОВ
Тошкент ш.,
2016 йил 19 октябрь,
5-2016-сон

Халқ таълими вазири У. ИНОЯТОВ
Тошкент ш.,
2016 йил 19 октябрь,
12-мҳ-сон

Меҳнат вазири А. АБДУХАКИМОВ
Тошкент ш.,
2016 йил 19 октябрь,
34-к/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 19 сентябрдаги 5-2016, 12-мх, 34-к/қ-сон қарорига ИЛОВА

Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш МИҚДОРЛАРИ

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур давлат муассасаларида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар	31 472,7
		доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар	18 458,4
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	12 662,5

2.	Олий таълим муассасалари талабалари	профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар	35 968,8
		доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар	22 717,9
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	16 461,1
3.	Катта илмий ходим-изланувчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари**	профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар	43 463,1
		доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар	29 817,2
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	24 058,7

4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар***	профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар	24 545,1
		доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар	14 287,9
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	9 637,5

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	14 308,2
		биринчи малака тоифали	13 487,3
		иккинчи малака тоифали	12 630,0
		олий маълумотли	11 794,1
		ўрта махсус маълумотли	11 024,7

2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	11 853,0
		биринчи малака тоифали	10 751,3
		иккинчи малака тоифали	10 069,6
		олий маълумотли	9 405,4
		ўрта махсус маълумотли	8 799,5

* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

** олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.

*** ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

2016 йил 19 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2016 йил "6" октября №415 Тошкент ш.

2016/2017 ўқув йили учун республика олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси номли давлат стипендияларини (Навоий, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий) тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги ПФ-555-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва модлий рағбатлантириш тўғрисида" 226-сон қарорига мувофиқ 2016/2017 ўқув йили учун республика олий таълим муассасалари бакалавриатининг охирги икки курсида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларга номли давлат стипендияларини тайинлаш мақсадида

БУЮРАМАН

1. Вазирликнинг 2016 йил 20 сентябрд аги 389-сон буйруғига мувофиқ тузилган Ўзбекистон Республикаси давлат стипендияларига номзодларни саралаш бўйича танлов комиссиясининг 2016 йил 26 сентябрдаги баённомасига асосан иқтидорли талабаларга 2016/2017 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси номли давлат стипендиялари (Навоий, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий) 1-,2-,3-,4-,5-иловаларга мувофиқ тайинлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

бир ҳафта муддатда 1-,2-,3-,4-,5-иловаларда номлари қайд этилган талабаларга номли Давлат стипендияларини 2016 йил 1 сентябридан 2016/2017 ўқув йили давомида тайинлаш тўғрисида олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи чиқарилсин;

Ўзбекистон Республикаси номли давлат стипендиялари совриндорларини олий таълим муассасаси Кенгаши, талабалари ва кенг жамоатчилик орасида таништириб, тақдирлаш ишлари ташкил этилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари И.Маджидовга юклатилсин.

Вазир **Р.Касимов**

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги
174 буйруғига 1-илова

2016/2017 ўқув йилига Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхати

№	ОТМ номи, белгиланган квота ва номзоднинг Ф.И.Ш.	Таълим йўналиши	Курси
	Ўзбекистон миллий университети		
1	Нишонова Дилноза Бахриддин қизи	Кадрлар менежменти	3
2	Кувондиков Озоджон Ўктам ўғли	Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	4
	Тошкент давлат техника университети		
1	Умаров Элшод Ғулом ўғли	Маркетинг (тармоқлар бўйича)	4
	Тошкент давлат иқтисодиёт университети		
1	Обидов Саид Амирхон Фердавси ўғли	Кадрлар менежменти	4
2	Жалолова Нодирахон Равшанхон қизи	Касб таълими (иқтисодиёт)	4
	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети		
1	Холжигитова Дилбархон Баходир қизи	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	3
2	Яшнарбекова Муштарий Яшнарбековна	Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	4
3	Минаварова Малика Киямиддиновна	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)	4
	Тошкент давлат шарқшунослик институти		
1	Мамаражабов Ботир Боходир ўғли	Таржима назарияси ва амалиёти	4
	Тошкент молия институти		
1	Иброхимов Илхомжон Шавкатжон ўғли	Банк иши	3
2	Исрапилов Жалолиддин Мухаммади ўғли	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	4
	Тошкент давлат педагогика университети		
1	Акбарова Доно Рахматджоновна	Жисмоний маданият (хотин-қизлар спорти)	4
2	Қаюмова Дилсора Нурали қизи	Мактабгача таълим	4
	Андижон давлат университети		
1	Умаров Азизбек Ғайратжон ўғли	Педагогика ва психология	3

2	Хабибуллаева Уффорахон Ойбек қизи	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили ва адабиёти	4
3	Махмудов Саид-Амирхон Аълохон ўғли	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	4
	Бухоро давлат университети		
1	Эргашева Озода Аскар қизи	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	4
2	Омонова Дилдора Некмурод қизи	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	4
	Гулистон давлат университети		
1	Мисрбекова Махлиё Мисрбек қизи	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	4
2	Эшбоева Дурдона Алишер қизи	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили ва адабиёти)	4
	Қорақалпоқ давлат университети		
1	Садиков Аллаяр Адилбаевич	Юриспруденция	4
2	Исмаилова Зулфия Узакбаевна	Юриспруденция	4
	Қарши давлат университети		
1	Маманова Адолат Қурбонназар қизи	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	4
2	Бобожонова Шохсанам Шарифбоевна	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	3
	Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти		
1	Жураев Аббосбек Юнус ўғли	Касб таълими: Иқтисодиёт	4
	Наманган давлат университети		
1	Мамасаидов Лутфилло Пайзулло ўғли	Тарих	4
	Наманган муҳандислик педагогика институти		
1	Рахимбердиев Ойбек Алишер ўғли	Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	4
	Самарқанд давлат университети		
1	Эркинов Бехбуд Азаматович	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	3
2	Жуманова Хуррият Султонмуродовна	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	4
3	Орипов Хасан Абдивахобович	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	3

	Самарқанд давлат чет тиллар институти		
1	Мамаюсупова Асал Алишеровна	Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	3
	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти		
1	Тўрабеков Сохибжон Шербой ўғли	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	3
	Термиз давлат университети		
1	Абдураимова Шохсанам Исмоил қизи	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	4
2	Омонов Авазбек Рашид ўғли	Молия	3
3	Жўракулова Зилола Шавкат қизи	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	4
	Урганч давлат университети		
1	Атамуратов Дилшод Олимбой ўғли	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	4
2	Абдикаримова Зухра Бахромовна	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	3
	Фарғона давлат университети		
1	Рахматова Икболхон Иномжоновна	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	4
2	Турғунов Жасурбек Алимардон ўғли	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)	4
	Фарғона политехника институти		
1	Абдукодиров Аббосжон Мухиддинжон ўғли	Касб таълими (Иқтисодиёт)	4
	Жиззах давлат педагогика институти		
1	Абдугаппарова Шодиёна Адашали қизи	Ўзбек тили ва адабиёти	3
2	Шодиев Одилжон Фурқат ўғли	Ўзбек тили ва адабиёти	3
3	Облокулова Шаҳло Асроркул қизи	Инглиз тили ва адабиёти	4
	Қўқон давлат педагогика институти		
1	Икромов Мухаммад-Анасхон Хакимжон ўғли	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	3
2	Носирова Гулчеҳра Нодиржон қизи	Математика ўқитиш методикаси	4
	Навоий давлат педагогика институти		
1	Асланова Нигина Каримовна	Инглиз тили ва адабиёти	4
2	Бахриддинова Дилобар Насриддиновна	Инглиз тили ва адабиёти	4
3	Эшпўлатова Дилноза Мамаиёз қизи	Жисмоний маданият (хотин-қизлар спорти)	4
	Нукус давлат педагогика институти		
1	Джуманиязова Наргиза Азатовна	Инглиз тили ва адабиёти	4

2	Сейтжанова Луиза Тахировна	Инглиз тили ва адабиёти	3
	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти		
1	Махмудов Сардор Сарвар ўғли	Драма режиссёрлиги	4
	Миллий рассомлик ва дизайн институти		
1	Юсупбоева Зилолазода Кенесбой қизи	Музейшунослик	3
	Тошкент давлат аграр университети		
1	Садаев Нурислом Чори ўғли	Иқтисодиёт	4
	Тошкент ирригация ва мелиорация институти		
1	Ҳамидов Сардор Солижон ўғли	Менежмент	4
	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети		
1	Одилов Рахматулло Носиржон ўғли	Жаҳон сиёсати	5

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги 423 буйруғига 2-илова

2016/2017 ўқув йилига Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхати

№	ОТМ номи, белгиланган квота ва номзоднинг Ф.И.Ш.	Таълим йўналиши	Курси
	Тошкент давлат техника университети		
1	Эркинов Фазлиддин Фахриддин ўғли	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	3
2	Насимхонов Лутфулло Назирилло ўғли	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш	4
3	Музафаров Анвар Рустамович	Энергетика	3
4	Умаров Азизбек Алишер ўғли	Электртехникаси, электрмеханикаси ва электротехнологиялари	4
	Тошкент архитектура-қурилиш институти		
1	Саттарова Шодиёна Эшмурод қизи	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи	4
2	Дусатов Ботир Эшдавлат ўғли	Бино ва иншоотлар қурилиши	4
	Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти		
1	Каримбердиев Фаррух Шухратович	Экология ва атроф муҳит мухофазаси	3
	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти		
1	Абдурахмонова Покиза Элмурод қизи	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	4
2	Артикбоева Рўза Махсуджановна	Кимёвий технология (тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати)	3
	Тошкент кимё-технология институти		
1	Абдуллаев Хуршидбек Одилжон ўғли	Биотехнология	4
2	Камилжанова Зулфизар Тахир қизи	Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти	4

	Андижон машинасозлик институти		
1	Юсупов Саид Аборхон Анвар ўғли	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	3
2	Нишонова Мохида Ашурали қизи	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	4
	Бухоро муҳандислик технология институти		
1	Норова Дурдона Рузимаматовна	Кимёвий технология	4
2	Пўлатова Бернора Фарходжон қизи	Нефть-газ кимё саноати технологияси	4
	Жиззах политехника институти		
1	Турсунов Бекзод Акбар ўғли	Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	4
2	Абдурахманов Элёр Махмуджон ўғли	Транспорт иншоотлари эксплуатацияси	3
	Қорақалпоқ давлат университети		
1	Зукурова Светлана Максетовна	Архитектура	3
	Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти		
1	Ахмедов Аброр Сайидмурод ўғли	Технологик машиналар ва жихозлар	3
2	Нурбобоев Ёркин Тулқин ўғли	Кончилик иши	4
3	Қузиев Олмосбек Анвар ўғли	Иссиқлик энергетикаси	4
	Наманган муҳандислик технология институти		
1	Худайбердиев Фурқат Имомназар ўғли	Қишлоқ хўжалик махсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси	4
	Наманган муҳандислик педагогика институти		
1	Юсуфхонов Зокирхон Юсуфхон ўғли	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси	4
	Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти		
1	Ҳамдамова Динора Олим қизи	Геодезия, картография ва кадастр	3
2	Саттаров Темур Икрамбоевич	Бино ва иншоотлар қурилиши	4
	Фарғона политехника институти		

1	Салимов Обиджон Қосимбоевич	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи	4
2	Умаров Миржахонхўжа Гиёсхўжа ўғли	Электр энергетика	4
	Тошкент давлат аграр университети		
1	Ҳамдамов Шаҳзод Илҳом ўғли	Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш	4
2	Адилова Азиза Махсудовна	Агрономия	4
	Тошкент давлат аграр университети Пукус филиали		
1	Торениязов Тилеумурат Елмуратович	Ўсимликлар ҳимояси ва карантини	3
	Тошкент ирригация ва мелиорация институти		
1	Султонов Санжарбек Сойибжон ўғли	Электроэнергетика	4
2	Жомуродова Ҳулкарой Холмурод қизи	Геодезия, картография ва кадастр	4
	Андижон қишлоқ хўжалиги институти		
1	Маматқодиров Жахонгир Бахтиёр ўғли	Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги	3
2	Якубова Зулфия Абдувахитовна	Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги	3
	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти		
1	Ахророва Гулчеҳра Турсункул қизи	Зоотехния	3
2	Шукуров Илҳом Сафарбоевич	Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш	4
	Тошкент ахборот технологиялари университети		
1	Абдукаримов Сирожиддин Сайфиддин ўғли	АКТ соҳасида касб таълими	4
2	Маҳаммаджонов Маҳаммаджон Алишер ўғли	Аудиовизуал технологиялари	4
3	Холбоев Искандар Анваржон ўғли	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	4
	ТАТУ Урганч филиали		
1	Султонов Йўлдошбой Ўразметбоевич	Компютер инжиниринги	4
	ТАТУ Фарғона филиали		
1	Исмоилов Диёрбек Исмоилжон ўғли	Телекоммуникация технологиялари	4
	Тошкент темир йўл муҳандислари институти		
1	Махбубова Комила Рахмат қизи	Телекоммуникация	4
2	Ўрозимбатова Гавҳар Садулла қизи	Бино ва иншоотлар қурилиши	4

	Навоий давлат кончилик институти		
1	Жўраева Хусния Илҳом қизи	Электр энергетикаси	4
2	Хайдарова Малохат Эркиновна	Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси	4

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги
буйруғига 3-илова

2016/2017 ўқув йилига Улуғбек номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхати

№	ОТМ номи, белгиланган квота ва номзоднинг Ф.И.Ш.	Таълим йўналиши	Курси
	Ўзбекистон миллий университети		
1	Эгамберганов Хакимбой Кудрат ўғли	Математика	3
	Андижон давлат университети		
1	Миржалолова Меҳриой Зафарбек қизи	Биология	4
	Бухоро давлат университети		
1	Рахимов Жонибек Рашитович	Биология	3
	Қорақалпоқ давлат университети		
1	Бектурсинова Дилнура Пулат қизи	Амалий математика ва информатика	4
	Қарши давлат университети		
1	Хамраева Маъмура Қахрамон қизи	Биология	3
	Наманган давлат университети		
1	Дехқонов Фаррухжон Нуриддин ўғли	Математика	4
	Самарқанд давлат университети		
1	Акрамов Икром Исроил ўғли	Математика	3
	Термиз давлат университети		
1	Ғаффорова Шахло Вохит қизи	Кимё	4
	Урганч давлат университети		
1	Матлатипов Санъатбек Файратович	Амалий математика ва информатика	4
	Фарғона давлат университети		
1	Хасанов Азаматжон Азимжон ўғли	Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари	4

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги
475 буйруғига 4-илова

2016/2017 ўқув йилига Ибн Сино номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхати

№	ОТМ номи, белгиланган квота ва номзоднинг Ф.И.Ш.	Таълим йўналиши	Курси
	Тошкент тиббиёт академияси		
1	Алманова Азиза Шавкат қизи	Умумий амалиёт шифокори	6
	Андижон давлат тиббиёт институти		
1	Нуриддинов Ахроржон Сомитжон ўғли	Даволаш иши	7
	Самарқанд давлат тиббиёт институти		
1	Абдусаттарова Сарвиноз Комилжон қизи	Даволаш иши	7
	Тошкент педиатрия тиббиёт институти		
1	Тураев Бобур Батир ўғли	Педиатрия иши	7
	Тошкент давлат стоматология институти Бухоро филиали		
1	Замонова Гўзал Шавкат қизи	Стоматология	5
	Тошкент фармацевтика институти		
1	Темиров Баҳодирхўжа Бахромжон ўғли	Саноат фармацияси	5
	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти		
1	Пулатова Муниса Рустам қизи	Спорт фаолияти: бадиий гимнастика	4
2	Давлетярова Лайло Баходировна	Спорт фаолияти: енгил атлетика	4

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги
буйруғига 5-илова

2016/2017 ўқув йилига Имом ал-Бухорий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалар рўйхати

№	ОТМ номи, белгиланган квота ва помзодининг Ф.И.Ш.	Таълим йўналиши	Курси
	Тошкент ислом университети		
1	Нишонов Сарвар Жасур ўғли	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	3
2	Мансурова Нилуфар Мухсинжон қизи	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	4
3	Усманова Асолатхон Лутфулла қизи	Диншунослик	4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2016 йил "17" октябрь № 427 Тошкент ш.

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови республика босқичи якуни тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 32-сон қарори ижроси юзасидан олий таълим муассасаларида юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш, уларнинг фаолияти нуфузини янада ошириш, ўқитишнинг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий равнақини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" умумреспублика танлови ўтказилди.

Танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун 69 та олий таълим муассасалари томонидан 25 та таълим соҳалари бўйича жами 361 нафар, шундан "Мутахассислик бўйича энг яхши педагог" номинациясига 142 нафар, "Энг яхши педагог-тадқиқотчи" номинациясига 121 нафар ҳамда "Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог" номинациясига 98 нафар иштирокчиларнинг ҳужжатлари тақдим этилди.

Танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун 4 та олий таълим муассасалари: Гулистон давлат университети ва Тошкент тиббиёт академияси Фарғона, Тошкент давлат аграр университети Нукус, Тошкент стоматология институти Самарқанд филиаллари томонидан танловда иштирок этишга ҳужжатлар тақдим этилмади.

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танловининг Олий таълим муассасаси босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичига ҳужжатлари тақдим этилган 22 та олий таълим муассасаларининг (ТерДУдан 11 нафар, ҚарМИИ ва ЎзДЖТУлардан 4 нафардан, ЎзМУдан 3 нафар, АндДУ, ТДПУ, ТДТУ, ТТЕСИ ва ТАТУ Нукус филиалидан 2 нафардан, БухДУ, НамДУ, НамМПИ, СамДТИ, СамҚХИ, ТДСИ, ТИМИ, ФарДУ, ТДМРХОМ, Солиқ академияси ҳамда ТАТУнинг Қарши ва Фарғона

филиаллари, ТТАнинг Урганч филиалидан 1 нафардан) 45 нафар иштирокчилари танловда қатнашмадилар.

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танловининг якуний республика босқичида 25 та таълим соҳалари бўйича ҳужжатлари тақдим этилган 361 нафар профессор-ўқитувчилардан 316 нафари педагог кадрлар ўзларининг танлов ишлари тақдимотлари билан қатнашди.

Танловда иштирок этган педагог кадрлардан 68 нафари тегишли таълим соҳалари "Мутахассислик бўйича энг яхши педагог", "Энг яхши педагог-тадқиқотчи" ва "Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог" номинацияси бўйича танлов ғолиби деб топилдилар.

Танлов комиссияларининг қарорига кўра, "Журналистика ва ахборот" таълим соҳасининг барча номинациялари ва "Математика" таълим соҳасининг "Мутахассислик бўйича энг яхши педагог" ва "Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог" номинациялари бўйича Олий таълим муассасалари босқичларида ғолиб деб топилган иштирокчилари Низом талаблари даражасида танлов ишларини тақдим эта олмаганликлари учун мазкур номинациялар бўйича ғолибликка муносиб деб топилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 32-сон қарорига "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови республика босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитанинг 2016 йил 5 октябрдаги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови республика босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитанинг 2016 йил 5 октябрдаги 2-сон мажлис қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. ГулДУ, ТерДУ, ҚарМИИ, ЎзДЖТУ, ЎзМУ, АндДУ, ТДПУ, ТДТУ, ТТЕСИ, БухДУ, НамДУ, НамМПИ, СамДТИ, СамҚХИ, ТДСИ, ТИМИ, ФарДУ, ТДМРХОМ ва Солиқ академияси ректорлари ҳамда ТАТУ Қарши, Фарғона, Нукус, ТТА Урганч, Фарғона, ТДАУ Нукус ва ТДСИ Самарқанд филиаллари директорларига:

танловнинг олий таълим муассасаси босқичини талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, таълим соҳалари номинациялари бўйича олий таълим муассасаларида ғолиб бўлган профессор-ўқитувчиларнинг ҳужжатларини Танловнинг республика босқичига тақдим этилмаганлиги ҳамда танлов иштирокчиларининг иштирокини таъминламаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ташкилий қўмита раиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М.Каримовга танлов ғолибларини тақдирлашни октябрь ойининг

учинчи ўн кунлигида тантанали равишда ўтказилишини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М.Иноятов ва Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи С.Бузрукхоновларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 32-сон қарорига мувофиқ ғолиб бўлган профессор-ўқитувчиларни тақдирлаш учун тегишли маблағларни Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиш;

фахрий дипломларни чоп эттиришнинг молиявий манбаларини белгилаш вазифалари юклатилсин.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови ғолиби бўлган профессор-ўқитувчиларнинг лавозим маоши (бир ойлик оклад) миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 18 октябрига қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармасига тақдим этиш вазифаси топширилсин (ғолиблар рўйхати илова қилинади).

6. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Каримов ҳамда Вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази директори А.Эшмуродовга:

танлов ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, уларни Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ва Мустақиллик йилларида бунёд этилган объектларига ташрифларини уюштириш;

танлов якуни ва таълим соҳалари бўйича ғолибларнинг илмий-педагогик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш вазифалари топширилсин.

7. Ишлар бошқармаси бошлиғи А.Арзиматовга фахрий дипломларни чоп этилишини ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М.Каримов зиммасига юклатилсин.

Вазир **Р.Касимов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2016 йил "3" декабрь №489 Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг виртуал қабулхонасини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, вазирлик тизимидаги марказлар ҳамда барча олий таълим муассасалари фаолияти, шунингдек олий таълимга оид хизматларни кўрсатиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. **Жорий йилнинг 3 декабридан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг виртуал қабулхонаси (кейинги ўринларда – Виртуал қабулхона) интернет тармоғининг vazir.edu.uz манзили орқали ишга туширилсин.

2. Виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (О.Хайдаров) Виртуал қабулхона учун ажратилган vazir.edu.uz интернет манзилини доимий ишлашини таъминласин.

4. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати бошқарма, бўлимлари, тасарруфдаги марказлар ва барча олий таълим муассасалари раҳбарлари Виртуал қабулхона орқали келган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши учун шахсан масъул этиб белгилансинлар.

5. Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш бўйича оператор этиб вазирлик Девонхонаси белгилансин.

6. Виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш Вазирликнинг Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов) томонидан мувофиқлаштириб борилиши белгилансин.

7. Девонхона (Г.Абдуллаева) Виртуал қабулхона билан ишлаш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши белгилаб қўйилсин:

мурожаатларни ўз вақтида кўриб борилишини таъминлаш;

жоиз бўлганда мурожаатларни кўриб чиқишни тезлаштириш учун жараёнга Вазирликнинг тегишли бошқарма, бўлимлари, тасарруфдаги марказлар ва олий таълим муассасалари мутахассисларини жалб қилиш.

8. Вазирлик тасарруфидаги марказлар директорлари ҳамда барча олий таълим муассасалари раҳбарларига **3 кун муддатда:**

ўз муассасаларида Виртуал қабулхона билан ишлаш учун масъул ходимларни белгилаш ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар (паспорт нусхаси, ish va мобил телефон рақамлари)ни вазирликнинг Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га ёзма равишда тақдим этсинлар.

9. Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов), Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (О.Хайдаров) билан биргаликда **3 кун муддатда** муассасаларининг масъул ходимларини Виртуал қабулхона билан ишлаш бўйича ўқитишни ташкил этсинлар.

10. Ахборот хизмати (Ф.Бабашев), Ишлар бошқармаси (А.Арзиматов) тасарруфдаги марказлар ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Виртуал қабулхона ишга туширилганлиги ҳамда унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши, вазирлик биносининг кириш қисми ва фуқароларни қабул қилиш хоналарига махсус ахборот стендларини ташкил этсин.

11. Барча олий таълим муассасалари раҳбарларига:

ўн кун муддатда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг олий таълим муассасаси фаолиятига оид ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўз виртуал қабулхоналарини яратиш;

бажарилган ишлар бўйича маълумотларни жорий йилнинг 20 декабрига қадар вазирликнинг Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

12. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари И. Маджидов зиммасига юклансин.

Вазир в.в.б. **И. Маджидов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "3" декабр даги 489-сон буйруғига 4-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг виртуал кабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чикиш ТАРТИБИ

Боскич	Тадбир номи	Батафсил	Муддати	Масъуллар
1-боскич	Виртуал кабулхонага мурожаат жўнатиш	Мурожаатни жўнатиш: vazir.edu.uz Виртуал кабулхона орқали;	Зарурятга кўра	Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ёки уларнинг вакилини вакили
2-боскич	Мурожаатни кабул килиш	1. Виртуал кабулхона ахборот тизимига келиб тушган мурожаатни рўйхатдан ўтказиш	1 иш куни ичида	Девонхона (Г.Абдуллаева)
		2. Мурожаат бўйича ижрочини ва ижро муддатини белгилаш	1 иш куни ичида	Вазир, Вазир ўринбосарлари
3-боскич	Мурожаатни ижрочига жўнатиш	1. Рахбар топширигига асосан мурожаатни ижрочиларга ўтказиш	Хужжат рахбариятдан чикиши билан	Девонхона (Г.Абдуллаева)
		2. Ижрочилар томонидан мурожаатни кўриб чикиш бошланганини назорат килиш	1 иш куни ичида	Девонхона (Г.Абдуллаева)
4-боскич (А варианти) Ижрочи: Вазирлик бошкармаси бўлими	Мурожаат бўйича тегишли ишларни амалга ошириш хамда мурожаатчига жавобни йўллаш	1. Бошкарма ёки бўлимлари масъул ижрочини белгилаш	1 иш куни ичида	Бошкарма, бўлим бошлиги
		2. Мурожаат юзасидан тегишли ўрганишларни амалга ошириш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини кабул килиш, мурожаатларини кўриб чикиш ва жавоб бўлганда мурожаатчидан эътироз йўкнигига тўғрисида маълумотнома олиш	Белгиланган муддатларда	Масъул ижрочи
		3. Қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этилса, мурожаат этувчини хабардор килган холда мурожаат муддатини узайтириш юзасидан Девонхона (Г.Абдуллаева)га ёзма сўров жўнатиш.	Белгиланган муддат тугамасдан	Бошкарма, бўлим бошлиги
		4. Ўрганишлар натижаси бўйича жавоб хатини тайёрлаш.	1 иш куни ичида	Масъул ижрочи
		5. Тегишли бошкарма, бўлим бошлиги имзосини олган холда рахбариятга имзога киритиш	Жавоб хати тайёр бўлиши билан	Масъул ижрочи
		6. Рахбарият томонидан имзоланган жавоб хатини Девонхона (Г.Абдуллаева) томонидан Виртуал кабулхонага жойлаштириш хамда анъанавий усулда мурожаатчига йўллаш.	Хат имзолангандан сўнг	Девонхона (Г.Абдуллаева)

Боскич	Тадбир номи	Батафсил	Муддати	Масъуллар
4-боскич (Б варианти) Ижрочи: Тасарруфдаги марказлар ва барча олий таълим муассасалари	Мурожаат бўйича тегишли ишларни амалга ошириш хамда мурожаатчига жавобни йўллаш	1. Келиб тушган мурожаатларни рахбариятга ижрочини ва муддатини белгилаш учун киритиш	Мурожаат кабул килинган кун	Виртуал кабулхона билан ишлаш учун масъул шахс
		2. Рахбар томонидан масъул шахсни ва ижро муддатини белгилаш	1 иш куни ичида	Рахбар
		3. Мурожаат юзасидан тегишли ўрганишларни амалга ошириш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини кабул килиш, мурожаатларини кўриб чикиш ва жавоб бўлганда мурожаатчидан эътироз йўкнига тўғрисида маълумотнома олиш	Белгиланган муддатларда	Масъул ижрочи
		4. Қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этилса, мурожаат этувчини хабардор килган холда мурожаат муддатини узайтириш юзасидан Девонхона (Г.Абдуллаева)га ёзма сўров жўнатиш.	Белгиланган муддат тугамасдан	Масъул ижрочи, Виртуал кабулхона билан ишлаш учун масъул шахс
		5. Ўрганишлар натижаси бўйича жавоб хатини тайёрлаш ва рахбар томонидан имзолаш	Жавоб хати тайёр бўлиши билан	Масъул ижрочи, Рахбар
		6. Рахбар томонидан имзоланган жавоб хатини Виртуал кабулхонага жойлаштириш хамда анъанавий усулда мурожаатчига йўллаш.	Хат имзолангандан сўнг	Масъул ижрочи, Виртуал кабулхона билан ишлаш учун масъул шахс
5-боскич	Мурожаат бўйича назоратни амалга ошириш	1. Жавоб хати билан таништириб чикиш, уни мурожаатчига етказиш ва назоратга олиш, зарурат бўлганда мурожаат этувчи билан телефон орқали богланиб, мурожаатнинг қаноатлантирилганлигига аниклик киритиш.	Мурожаат бўйича жавоб хати берилгандан сўнг	Девонхона (Г.Абдуллаева)
		2. Мурожаатчи жавоб хатидан коникмаган холда мурожаатни кайта кўриб чикиш учун тегишли марказлар ва олий таълим муассасаларига кайтариш.	1 иш куни ичида	Девонхона (Г.Абдуллаева)
		Вазирлик тасарруфидаги марказлар хамда олий таълим муассасалари томонидан мурожаат этувчи масаласи ўз ечимини топмаган бўлса ёхуд кўриб чикиш муддати бузилган бўлса тегишли маълумотни Вазирлик рахбариятига киритади.	3 иш куни ичида	Девонхона (Г.Абдуллаева)
		Қонунга хилоф равишда ечимини топмаган, ёхуд кўриб чикиш муддати бузилган мурожаатлар юзасидан тегишли рахбарларга чораларни белгилаш.	Ўрнатилган тартибда	Олий ва ўрта махсус таълим вазири
6-боскич	Мурожаатлар бўйича тахлилни амалга ошириш	Келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш, вазирлик тасарруфидаги марказлар ва олий таълим муассасалари хамда масалалар кесимида тахлилий маълумотларни шакллантирган холда рахбариятга маълумот киритиш.	Хар хафта жума куни	Назорат ва мониторинг бошкармаси (Р.Аллаберганов)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАЛАРИ УЧУН НАМУНАВИЙ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 472-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2830]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси 1-иловага;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У. САЛИМОВ
Тошкент ш.,
2016 йил 15 август,
59/ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири А. АБДУҲАКИМОВ
Тошкент ш.,
2016 йил 15 август,
27/ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 59/ҚҚ ва 27-К/Қ-сон қарорига 1-ИЛОВА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик ИШ РЕЖАСИ*

Т/р	Иш турлари	Ўқув йили давомидаги соатлар ҳажми
I. Ўқув юкламасининг назарий ва амалий компонентлари — 660 соат**		
1.	Ўқув амалиётини ўтказиш ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш.	660 соат (Ўқув режаси асосида)
II. Ишлаб чиқариш таълимини амалга ошириш — 1045 соат**		
2	**Ўқув-ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан бажарилиши зарур бўлган иш турлари:** ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари учун ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда тақвимий-мавзулар режаларини тузиш; ҳар бир ўқув амалиёти машғулоти учун ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш; ўқув амалиёти машғулотининг кириш инструктажи учун материаллар тайёрлаш; назорат саволлари (тест ва бошқалар) ва топшириқлари тўпламини ишлаб чиқиш; ўқув амалиёти бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуани расмийлаштириш; ўқув амалиёти машғулотларини ўтказишга тайёргарлик кўриш;	1045 соат

	очиқ дарс ўтказишга тайёргарлик кўриш; ўқув амалиёти машғулотига қатнашмаган ва ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб бориш; ўқув амалиёти машғулотларини таҳлил қилиш; ўқув амалиёти бўйича якуний назоратни ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти якуни бўйича ўқувчилардан ҳисоботни қабул қилиш; ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш ишларида иштирок этиш; битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш; касбий-амалий имтиҳонларни топшириш учун ўқувчиларга маслаҳат бериш; касбий-амалий имтиҳонларни ўтказиш учун иш ўринларини тайёрлаш; ўқувчиларни касб маҳорати ва бошқа танловларга тайёрлаш; 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш ва касбга йўналтиришда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш; таълим муассасасининг педагогик кенгаши ва бошқа йиғилишларида иштирок этиш; Намунавий йиллик иш режасида назарда тутилмаган бошқа иш турлари***.	
3	**Ўқув-ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан бажариладиган қўшимча иш турлари:** дарслик ёзиш ва уни нашрга тайёрлаш; электрон дарслик тайёрлаш; мультимедиали ўқув ишланмаларини ишлаб чиқиш; ўқув қўлланма ёзиш ва уни нашрга тайёрлаш; методик қўлланма ёзиш; услубий ишланма ёзиш;	

	ўқув амалиёти учун видеороликлар тайёрлаш; мақола, тезис ёзиш ва уни нашр эттириш; дарслик, ўқув қўлланма, электрон дарслик, методик қўлланма, услубий ишланма, ўқув амалиёти учун назорат саволлари ёки топшириқлари тўпламига тақриз бериш; таълим стандарти, намунавий ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва/ёки такомиллаштириш ишларида иштирок этиш; ўқув амалиёти машғулотлари ўтказиладиган устахоналарни (лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, полигон ва бошқалар) жиҳозлаш ҳамда зарур хом ашё ва материаллар билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва/ёки такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш; ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш учун зарур хом ашё ва материалларни қабул қилиб олиш, уларни тайёрлаш ва ҳисобини юритиш; ёш ишлаб чиқариш таълими усталарига услубий-амалий ёрдам бериш; тўгараклар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш; ўқув амалиёти машғулотлари ўтказиладиган устахонадаги (лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, полигон ва бошқалар) носоз жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва созлаш ишларида иштирок этиш; ўқувчиларнинг ихтирочилик, ижодий, амалий ишларига раҳбарлик қилиш; малака ошириш, қайта тайёрлаш, захира кадрлар тайёрлаш ва бошқа қисқа муддатли курсларда ўқиш; илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда ошириб бориш; мастер-класс ўтказиш; семинар, тренинг, конференция, давра суҳбати ва бошқа жамоат тадбирларида иштирок этиш;	

	ишлаб чиқариш таълими усталари ўртасида ўтказиладиган танлов ва/ёки кўргазмаларда иштирок этиш; танловларда ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиш; турли комиссиялар, ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиш; олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик (интеграция) ишларида иштирок этиш; педагогик кенгаш муҳокамасига қўйиш учун масала ва материаллар тайёрлаш; педагогик кенгаш ёки кафедра йиғилишида котиб вазифасини бажариш; битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш; касбий фанлар мажмуаси бўйича давлат имтиҳони учун саволлар тўпламини ишлаб чиқишда иштирок этиш; курс иши ва/ёки битирув малакавий ишларига тақриз бериш; якуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш; таълим муассасасининг маслаҳат маркази фаолиятида иштирок этиш. Намунавий йиллик иш режасида назарда тутилмаган бошқа иш турлари***.	
III. Тарбиявий ишларни амалга ошириш — 160 соат**		
4	**Ўқув ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан бажарилиши зарур бўлган иш турлари:** таълим муассасасининг ўқувчилар турар жойи ва/ёки ўқув биносида навбатчилик қилиш; бириктирилган гуруҳда дарс машғулотларига мунтазам қатнашмайдиган ва давомати паст бўлган ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан ишлаш;	160 соат.

4.	бириктирилган микроучасткада истиқомат қилувчи ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишини таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар. Намунавий йиллик иш режасида назарда тутилмаган бошқа иш турлари***.	
5.	**Ўқув ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан қўшимча бажариладиган иш турлари:** маънавий-маърифий соҳадаги ишларда иштирок этиш; имтиёзли (бепул) овқатланиш мавжуд бўлган таълим муассасаларининг ошхонасида навбатчилик қилиш. Намунавий йиллик иш режасида назарда тутилмаган бошқа иш турлари***.	

Изоҳ: * Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режаси бир йилдаги 1865 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

** Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режани ишлаб чиқиш ва бажаришда бўлимлар учун белгиланган соатлар ҳажмига таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан ўзгартириш киритилиши мумкин. Бунда умумий соатлар миқдори (1865 соат) доирасида Намунавий йиллик иш режасида белгиланган бўлимлар учун ажратилган соатлар миқдори 30 фоизгача камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

*** Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режасига мазкур Намунавий йиллик иш режасида назарда тутилмаган, таълим жараёнига оид бошқа иш турлари ҳамда вақт меъёрлари таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан асосланган ҳолда киритилади.

Эслатма:

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режасини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда Намунавий йиллик иш режасининг I бўлимидаги иш турлари, шунингдек II ва III бўлимларидаги ўқув ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан бажарилиши зарур бўлган иш турлари киритилиши шарт. Бунда умумий соатлар миқдорини (1865 соат) тўлиқ таъминлаш учун II ва III бўлимларда кўрсатилган ўқув ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан қўшимча бажариладиган иш турлари ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 59/ҚҚ ва 27-К/Қ-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг асосий фаолият турларига сарфланадиган ВАҚТ МЕЪЁРЛАРИ*

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
I. Ўқув юкламасининг назарий ва амалий компонентлари			
1.	Ўқув амалиётини ўтказиш ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш.	Ўтказилган ўқув амалиётининг 1 академик соат машғулоти учун 1 соат; ўтказилган ишлаб чиқариш амалиётининг 1 академик соат машғулотига раҳбарлик учун 1 соат.	Ўқув машғулоти журнали асосида.
II. Ишлаб чиқариш таълимини амалга ошириш			
2.	Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари учун ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда тақвимий-мавзулар режаларини тузиш.	Бир ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиёти бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун — 20 соат; бир ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиёти бўйича ишчи ўқув дастурини такомиллаштириш учун — 6 соат; бир ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиёти бўйича тақвимий-мавзулар режасини тузиш учун — 5 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгаши қарори асосида. Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.

3.	Ҳар бир ўқув амалиёти машғулоти учун ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш.	Ўқув амалиётининг машғулотини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш учун — 24 соат. Бунда ўқитиш технологияси модели учун — 2 соат; ўқитиш технологик харитаси учун — 2 соат; йўриқли технологик харита учун — 14 соат; дидактик материаллар учун — 6 соат; ўқув амалиётининг машғулотини ўқитиш технологиясини такомиллаштириш учун — 4 соат.	Таълим муассасасининг методик кенгаши қарори асосида.
4.	Ўқув амалиёти машғулотининг кириш инструктажи учун материаллар тайёрлаш.	Ҳар 6 соатлик машғулотга тайёрланган материал учун — 1 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
5.	Назорат саволлари (тест ва бошқалар) ва топшириқлари тўпламини ишлаб чиқиш.	Ҳар бир назорат саволлари ва топшириқлари вариантлари тўпламини ишлаб чиқиш учун — 10 соат; ҳар бир назорат саволлари ва топшириқлари тўпламини такомиллаштириш учун — 2 соат.	Таълим муассасасининг методик кенгаши қарори асосида.
6.	Ўқув амалиёти бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуани расмийлаштириш.	Бир ўқув амалиёти бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуани расмийлаштириш учун — 20 соат.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарори асосида.

7.	Ўқув амалиёти машғулотларини ўтказишга тайёргарлик кўриш.	Ҳар бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 2 соат.	Ҳар ой якуни бўйича ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари ёки бош устанинг билдиргиси асосида.
8.	Очиқ дарс ўтказишга тайёргарлик кўриш.	Бир очиқ дарс учун — 15 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
9.	Ўқув амалиёти машғулотига қатнашмаган ва ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб бориш.	Бир қўшимча машғулот учун — 2 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан 80 соат.	Қўшимча машғулотлар журнали асосида.
10.	Ўқув амалиёти машғулотларини таҳлил қилиш.	Бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 6 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан 36 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
11.	Ўқув амалиёти бўйича якуний назоратни ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти якуни бўйича ўқувчилардан ҳисоботни қабул қилиш.	Бир якуний назорат учун — 6 соат; бир ўқувчидан ҳисобот қабул қилиш учун — 0,2 соат.	Ўқув машғулоти журнали асосида.
12.	Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш ишларида иштирок этиш.	Бир шартнома учун — 4 соат.	Корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида.

13.	Битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.	Ҳар бир битирувчи учун — 4 соат.	Битирувчиларнинг бандлиги таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси) асосида.
14.	Касбий-амалий имтиҳонларни топшириш учун ўқувчиларга маслаҳат бериш.	Бир гуруҳ ўқувчиларига маслаҳат бериш учун — 10 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида
15.	Касбий-амалий имтиҳонларни ўтказиш учун иш ўринларини тайёрлаш.	Бир гуруҳ ўқувчиларининг иш ўринларини тайёрлаш учун — 10 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
16.	Ўқувчиларни касб маҳорати ва бошқа танловларга тайёрлаш.	Таълим муассасаси миқёсида иштироки учун –10 соат; туман миқёсида: 1-ўрин учун — 25 соат; 2-ўрин учун — 20 соат; 3-ўрин учун — 15 соат; вилоят миқёсида: 1-ўрин учун — 50 соат; 2-ўрин учун — 40 соат; 3-ўрин учун — 30 соат; республика миқёсида: 1-ўрин учун — 100 соат; 2-ўрин учун — 80 соат; 3-ўрин учун — 60 соат. Халқаро миқёсда иштироки учун — 200 соат. Бунда соатларни ҳисобга олишда ўқувчи томонидан эришилган	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи ва ўқувчининг танловда эгаллаган ўрнини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида.

		натижа (натижалар) учун назарда тутилган соатларнинг энг юқори бўлган биттаси инобатга олинади.	
17.	9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш ва касбга йўналтиришда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.	Бир тарғибот-ташвиқот ишлари учун — 2 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 20 соат.	Таълим муассасасининг кафедра баённомаси асосида.
18.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши ва бошқа йиғилишларида иштирок этиш.	Бир йиғилишда иштирок этиш учун — 2 соат.	Ўтказилган йиғилиш баённомаси асосида.
19.	Дарслик ёзиш ва уни нашрга тайёрлаш.	Дарсликнинг бир босма табоғи учун — 50 соат.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномалар асосида.
20.	Электрон дарслик тайёрлаш.	Бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 30 соат.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномалар асосида.

21.	Мультимедиали ўқув ишланмаларини ишлаб чиқиш.	Бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 30 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида.
22.	Ўқув қўлланма ёзиш ва уни нашрга тайёрлаш.	Ўқув қўлланманинг бир босма табоғи учун — 40 соат.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномалар асосида.
23.	Методик қўлланма ёзиш.	Бир методик қўлланма учун — 30 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида.
24.	Услубий ишланма ёзиш.	Битирув малакавий иши учун — 25 соат; бир амалий машғулот учун — 14 соат;	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида.
25.	Ўқув амалиёти машғулотлар учун видеороликлар тайёрлаш.	Бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 30 соат.	Таълим муассасаси методик кенгашининг қарори асосида.
26.	Мақола, тезис ёзиш ва уни нашр эттириш.	Битта мақола ёки тезис учун: халқаро миқёсда — 50 соат; республика миқёсида — 20 соат; вилоят миқёсида — 10 соат; туман (шаҳар) миқёсида — 5 соат. Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.	Жорий ўқув йилида нашр этилган ишларнинг асли ёки нусхаси асосида.

		Даврий тўпламларда нашр этилган илмий мақолалар республика микёсидаги мақолаларга тенглаштирилади.	
27.	Дарслик, ўқув қўлланма, электрон дарслик, методик қўлланма, услубий ишланма, ўқув амалиёти учун назорат саволлари ёки топшириқлари тўпламига тақриз бериш.	Бир дарслик, ўқув қўлланма, электрон дарсликка тақриз бериш учун — 20 соат; бир методик қўлланмага тақриз бериш учун — 10 соат; услубий ишланмага тақриз бериш учун — 5 соат; ўқув амалиётлари учун назорат саволлари ёки топшириқлар тўпламига тақриз беришга — 4 соат.	Берилган тақриз нусхаси асосида
28.	Таълим стандарти, намунавий ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва/ёки такомиллаштириш ишларида иштирок этиш.	Бир касб учун таълим стандартини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун — 120 соат, такомиллаштиришда иштирок этиш учун — 60 соат; бир касб учун намунавий ўқув режа ишлаб чиқишда иштирок этиш учун — 60 соат, такомиллаштиришда иштирок этиш учун — 30 соат; бир фан дастурини ишлаб чиқиш учун — 120 соат, такомиллаштириш учун — 60 соат.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказлари раҳбарининг буйруғи ёки топшириғи ҳамда иштирок этганлиги тўғрисидаги хат асосида.

29.	Ўқув амалиёти машғулотлари ўтказиладиган устахоналарни (лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, полигон ва бошқалар) жиҳозлаш ҳамда зарур хом ашё ва материаллар билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва/ёки такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш.	Бир устахонани (лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, полигон ва бошқалар) жиҳозлаш ёки зарур хом ашё ва материаллар меъёрини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун — 60 соат, такомиллаштиришда иштирок этиш учун — 30 соат.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг буйруғи ёки топшириғи ҳамдаиштирок этганлиги тўғрисидаги хат асосида.
30.	Ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш учун зарур хом ашё ва материалларни қабул қилиб олиш, уларни тайёрлаш ва ҳисобини юритиш.	Бир ўқув амалиёти машғулоти учун — 1 соат.	Бош уста ва ишлаб чиқариш таълими устасининг талабнома, қайднома, далолатнома ва билдиргиси асосида.
31.	Ёш ишлаб чиқариш таълими усталарига услубий-амалий ёрдам бериш.	Бир нафар ёш ишлаб чиқариш таълими устаси учун — 40 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
32.	Тўгараклар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.	Бир тўгарак учун — 40 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.

33.	Ўқув амалиёти машғулотлари ўтказиладиган устахонадаги (лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, полигон ва бошқалар) носоз жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва созлаш ишларида иштирок этиш.	Бир носоз жиҳоз ва асбоб-ускунани таъмирлаш учун — 4 соат, созлаш учун — 2 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 30 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
34.	Ўқувчиларнинг ихтирочилик, ижодий, амалий ишларига раҳбарлик қилиш.	Ҳар бир ихтиро, ижодий ёки амалий иш учун — 100 соат.	Олинган давлат намунасидаги патент, сертификат ва бошқа расмий ҳужжатлар ҳамда таълим муассасаси педагогик кенгаши қарори билан маъқулланган ижодий ёки амалий иш намунаси асосида.
35.	Малака ошириш, қайта тайёрлаш, захира кадрлар тайёрлаш ва бошқа қисқа муддатли курсларда ўқиш.	Малака ошириш курсларида ўқиш учун — 144 соат; қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун — 576 соат; захира кадрлар тайёрлаш курсларида ўқиш учун — 288 соат; қисқа муддатли курсларда ўқиш учун — 72 соатгача.	Малака ошириш, қайта тайёрлаш, захира кадрлар тайёрлаш ҳамда қисқа муддатли курсларда ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида.

36.	Илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда ошириб бориш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
37.	Мастер-класс ўтказиш.	Бир мастер класс учун: халқаро миқёсда — 100 соат; республика миқёсида — 60 соат; вилоят миқёсида — 40 соат; туман миқёсида — 25 соат; таълим муассасаси миқёсида — 20 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида.
38.	Семинар, тренинг, конференция, давра суҳбати ва бошқа жамоат тадбирларида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат; бир маъруза билан иштироки учун — 10 соат; бир кунлик модераторлик (тренерлик) учун — 14 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи ва асословчи ҳужжатлар асосида.
39.	Ишлаб чиқариш таълими усталари ўртасида ўтказиладиган танлов ва/ёки кўргазмаларда иштирок этиш.	Туман миқёсида: 1-ўрин учун — 20 соат; 2-ўрин учун — 15 соат; 3-ўрин учун — 10 соат. вилоят миқёсида: 1-ўрин учун — 35 соат; 2-ўрин учун — 30 соат; 3-ўрин учун — 25 соат; республика миқёсида: 1-ўрин учун — 50 соат; 2-ўрин учун — 45 соат; 3-ўрин учун — 40 соат. Халқаро миқёсда иштироки учун — 100 соат;	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи ва танловда эгаллаган ўринни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида.

		Бунда соатларни ҳисобга олишда ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан эришилган натижа (натижалар) учун назарда тутилган соатларнинг энг юқори бўлган биттаси инобатга олинади.	
40.	Танловларда ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
41.	Турли комиссиялар, ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
42.	Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик (интеграция) ишларида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида.
43.	Педагогик кенгаш муҳокамасига қўйиш учун масала ва материаллар тайёрлаш.	Бир материал учун — 10 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида.
44.	Педагогик кенгаш ёки кафедра йиғилишида котиб вазифасини бажариш.	Педагогик кенгашнинг бир йиғилишидаги котиблиги учун — 6 соат; кафедранинг бир йиғилишидаги котиблиги учун — 3 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгаши ёки кафедранинг йиғилиш баённомаси асосида.

45.	Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш.	Бир ўқувчи учун — 16 соат.	Бир нафар ишлаб чиқариш таълими устасига 8 (гуманитар билим соҳасининг санъатга оид тайёрлов йўналишларида 10) нафардан ортиқ бўлмаган ўқувчи бириктирилиши мумкин. Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
46.	Касбий фанлар мажмуаси бўйича давлат имтиҳони учун саволлар тўпламини ишлаб чиқишда иштирок этиш.	Бир саволлар тўпламини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун — 10 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида.
47.	Курс иши ва/ёки битирув малакавий ишларига тақриз бериш.	Бир курс ишига тақриз бериш учун — 0,5 соат; бир битирув малакавий ишга тақриз бериш учун — 4 соат.	Таълим муассасасининг тегишли кафедраси баённомаси асосида. Ишлаб чиқариш таълими устаси 8 нафар ўқувчига курс иши ва битирув малакавий ишларига тақриз бериши мумкин.
48.	Якуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.

49.	Таълим муассасасининг маслаҳат маркази фаолиятида иштирок этиш.	Бир кунлик иштироки учун — 7 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
III. Тарбиявий ишларни амалга ошириш			
50.	Таълим муассасасининг ўқувчилар турар жойи ва/ёки ўқув биносида навбатчилик қилиш.	Бир кунлик навбатчилик учун — 8 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 64 соат.	Таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган навбатчилик жадвали ва навбатчилик ўташни қайд этиш журнали асосида.
51.	Бириктирилган гуруҳда дарс машғулотларига мунтазам қатнашмайдиган ва давомати паст бўлган ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан ишлаш.	Бир нафар ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан ишлаш учун — 2 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 36 соат.	Ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан тушунтириш ишлари олиб борилганлиги тўғрисидаги хат, далолатнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.
52.	Бириктирилган микроучасткада истиқомат қилувчи ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишини таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар.	Бир нафар ўқувчи билан бир кунлик ишлаш учун — 2 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 60 соат.	Микроучастка бўйича белгиланган ишлаб чиқариш таълими устасининг дарсларга келмаган ўқувчилар билан ишлаш дафтари асосида.

53.	Маънавий-маърифий соҳадаги ишларда иштирок этиш.	бир тадбирдаги иштироки учун — 2 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.
54.	Имтиёзли (бепул) овқатланиш мавжуд бўлган таълим муассасаларининг ошхонасида навбатчилик қилиш.	бир кунлик навбатчилик учун — 8 соат. Бир ўқув йили давомида кўпи билан — 40 соат.	Таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган навбатчилик жадвали ва навбатчилик ўташни қайд этиш журнали асосида.

Изоҳ: * Мазкур вақт меъёрлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режаларини шакллантиришда ва улар фаолиятида бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 19-1, 4-2016, 10-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1836-2)..... 3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 сентябрьдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарори..... 17

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 5-2016, 12-мҳ, 34-к/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори..... 40

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги «2016/2017 ўқув йили учун республика олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси номли давлат стипендияларини (Навоий, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий) тайинлаш тўғрисида»ги 415-сонли буйруғи..... 47

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 17 октябрдаги ««Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови республика босқичи якуни тўғрисида»ги 427-сонли буйруғи..... 59

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 59/ққ, 27-к/к-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталари учун намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори..... 66

ргинал макетдан босишга рухсат этилди 02.11.2016 йил.
Бичими 60x84, 1/16. Шартли босма табоғи 4,6.
Адади 1000 нусха. Буюртма рақами 213

«Чўлпон» НМИУ босмахонасида чоп этилди
Тошкент шахри Навоий кўчаси 30-уй